

ГЛОБАЛ АХБОРОТЛАШУВ ВА АХБОРОТ СИЁСАТИГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШИШ ЭҲТИЁЖИ

Маликов Бехзоджон Куролович

ТДТрУ катта ўқитувчиси

Шодмонов Руслан Илхом ўгли

ТДТрУ талабаси

Ахборот технологиялари асри деб ном олган глобаллашув жараёнида кимки ахборотга эгалик қилса, дунёга ҳукмронлик қилади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятлари чексиз, у шиддат билан ривожланиб, ахборот узатиш тизими ҳам кундан-кунга такомиллашиб бормоқда. Ахборот жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг асосий манба сифатида намоён бўлаётган бир шароитда ўз хавфсизлигини таъминлашга қаратилган самарали технологияларни ишлаб чиққан давлатгина барқарорликка эришади. Глобал ахборот маконига назар ташлайдиган бўлсак, жамоатчиликни ташвишга солиб келаётган муаммолардан бири, шубҳасиз, фарзандларимизнинг одоб-ахлоқига салбий таъсир кўрсатувчи ёт ғоялар - оммавий маданият хуружлари, ахборотлар оқимининг кириб келаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Ахборотнинг жамият, ташкилот, оила, шахс онгига кириб келиши унча ҳам кўзга ташланмайди. Ижобий ва салбий ахборотни фарқлаш, яхши маълумотни ўзлаштириш ва зарарлисини рад этиш учун инсон онги ривожланган, унинг ўзи эса мустаҳкам иродали бўлиши зарур. Бугунги глобаллашув жараёнларида тезкорлик билан ахборот алмашинуви содир бўлиб турган бир вақтда ахборот жуда шиддатли кучга эга бўлмоқда. Бу тўғрида биринчи Президентимиз И.А. Каримов ҳам қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтган: - “Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.”[1].

Глобаллашув умумсайёравий аҳамият касб этадиган жараёнга айландики, бунда дунё ҳар бир инсондан у қайси ҳудудда яшамасин, қандай маконда яшамасин, дунё тақдирига тақдирдош, Ер шари истиқболига жавобгар, инсоният истиқболига дахлдор эканлигини ифода этади. Файласуф А.С.Япто фикрларига кўра зўравонликсиз, ядро қуролисиз дунёни ташкил этиш, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, жаҳон термо-ядро катаклизмини бартараф этиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланишга эришиш, ҳар қандай зўравонликларга дискриминацияга, тенгсизликка, ирқчилик ва апертеидга қарши курашиб, уларни йўқ қилиш, барча халқларнинг озод ва мустақил тараққиётини

мустаҳкамлаш, экологияни бузилиши каби глобал муаммолар бугун қаршимизга чиқаётганлиги билан ўта аҳамиятли ва долзарбдир. Ҳозир дунёга тарқатилаётган ахборотнинг деярли 80 фоизга яқини ривожланган давлатлар таъсиридаги глобал ахборот тармоқлари ҳиссасига тўғри келади. Бундай имтиёз эса ана шу давлатларга ўзига хос геосиёсий устунлик тақдим этибгина қолмай, бу бошқа давлатларга нисбатан сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, маданий тажовузларни ташкил этишда қўл келмоқда. [2]

Маълумки, ҳар қандай геосиёсат тагида иқтисодий манфаат ётади. Тобора тараққийлашиб бораётган, ҳайратомуз кашфиётлар оламида яшаётган инсоният учун бугун ахборот глобаллашувидек тиғиз ва тезкор жараён наинки инсон ва жамият ўртасида, давлатлараро мулоқотларда ҳам ўзининг ҳам салбий ҳам ижобий ҳосилаларини бераётгандек, наздимизда. XXI асрга келиб, геополитика майдонида от ўйнатиб юрган давлатлар - хавфли ўйинчоқлардан онгли равишда воз кечишга мажбур бўлмоқда, чунки гарчи сиёсий жиҳатдан дипломатик муносабатларнинг совуқлашиб, мамлакатларнинг бир-бирини сайёра харитасидан - ўчириб ташлашга бўлган интилиши натижа берган тақдирда ҳам, у икки томоннинг йўқ бўлиб кетиши, яъни бир-бирини маҳв этиши билан яқунланади. Бундай хотимадан эса на у томон, на бу тараф наф кўради. Ахборот соҳасидаги глобаллашув эса жаҳонда етакчилик учун кураш майдонига айланиб бормоқда десак муболаға бўлмайди.

Мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш унинг потенциалини ривожлантириш имкониятларини ўстириш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Шу сабабли Биринчи Президентимиз И.Каримов - "ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида, интернет кундан-кунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тоборо чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ" [3] деб масалага жиддий эътибор қаратганлар.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган - 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тарихий тажрибалар, ҳозир бажарилиши ўта муҳим бўлган вазифалар, мана шу белгиланган беш йил орқали эса узоқ йилларга мўлжалланган тарихий тараққиётнинг янги даврини очиб берди. Ҳаракатлар стратегиясининг 5-йўналиши этиб белгиланган, Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар айнан бугунги мавзуимизга мос эканлигини ҳисобга олган ҳолда мушоҳадага тўхталсак. Бугунги глобаллашган дунё, турли минтақаларда давом этаётган мақсадсиз урушлар, қон тўкилаётган ва дунё қалқиб турган бир шароитда

миллий хавфсизликни таъминлашга жиддий эътибор берилади. Ўзбекистонда 15 дан ортиқ диний конфессиялар, 130 дан ортиқ миллат ва элатлар яшаши, диний бағрикенглик, бу ўринда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзаро ишонч, бир-бирини тушуниш, турли маданиятлар ва эътиқодларни ҳурмат қилиш каби юксак инсоний фазилатларни янада чуқурлаштиришни тақозо этади. Ўзбекистон деб атаувчи умумий уйимизда 33 миллион аҳоли жинсидан, ирқидан, миллий мансублиги ва диний эътиқодидан қатъий назар истиқомат қилади. Демак улар касб-кори ёшлари ҳам ҳар ҳил. Лекин мақсад бир-юрт тинчлигига ҳар бир фуқаро маъсул эканлигини англаш, юрт-ватан тақдирига даҳлдорлик ҳиссини кучайтириш ва уларнинг бу борадаги мажбуриятларини тушуниш механизмини яратишни такомиллаштириш бугунги куннинг ғоят залворли масаласи эканлигини илгари суради.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик, куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларимизнинг даҳлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган. Шунингдек, ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланиб ўзаро ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим вазифа қилиб қўйилган. Бу борада давлатлар, мамлакатлар ва миллатлар ўртасида вужудга келаётган ахборот оқимларига янги ва холис муносабат шакллантириш ва ахборот истеъмоли борасида ўзига хос ёндошув жоизлигини англади.

Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало, уларнинг маънавий камолотини юксалтиришимиз зарур. Бунинг учун чуқур эгалланган билим, тажриба, шунингдек, аجدодларимиз мерос қилиб қолдирган улкан маънавий меросни тадқиқ қилиш зарур бўлади. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб этишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг «даъвати» ҳам, одоб-ахлоқ тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

REFERENCES:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008 – 115 б.
2. У.Ёқубов. Маърифат ва жаҳолат чорраҳаси. —Маънавий ҳаёт журнали. 1/2017.- 58 б .

3. Пахрутдинов Ш. —Тахдид тушунчаси: назария ва амалиёт. - Т.:Абу Али ибн Сино, 1998.
4. Malikov Behzodjon Kurolovich (2021) FUNDAMENTALS OF SPIRITUAL SAFETY -LEGISLATION IN UZBEKISTAN Euro Science: International Conference on Social and Humanitarian Research, Hosted from Cologne, Germany April 25rd -26th 67-69.
5. Malikov B.Q. (2021) Davlat xizmatlari to'g'risidagi qarashlar evolyutsiyasining nazariy asoslari Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences 1 (3) 598-609.
6. Маликов Б. Қ. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ МУАММОЛАР. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(2), 1160-1164. <https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00317>
7. Маликов Б. (2021) РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДА КАТЕГОРИЯЛАШТИРИШ ТАЖРИБАЛАРИ UzACADEMIA SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL VOL 2, ISSUE 1 (12), 97-105
8. Бехзоджон Қуролович Маликов (2021) Шарқ мутафаккирларининг давлат хизматларига доир сиёсий қарашлари «SCIENTIFIC PROGRESS» Scientific Journal Volume: 1, ISSUE: 4 (pp.207-212)
9. Маликов Бехзоджон Қуролович (2021) ЁШЛАРНИ САЛБИЙ МАФКУРАВИЙ ТАХДИДЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ – ҲАЁТИЙ ЗАРУРИЯТ YANGI O'ZBEKISTONDA ILM-FAN VA TA'LIM ILMIY-METODIK JURNALI VOL 1, ISSUE 1 (1) 202-206
10. М.Н.Хасанов, Д.А.Ҳафизов, Р.Х.Тоиров, & Х.Қ.Болтабоев. (2022). АБУ НАСР ФОРУБИЙ ЯШАГАН ДАВРДАГИ ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 137–140. Retrieved from <http://www.wsjournal.com/index.php/new/article/view/627>
11. Jumaniyoz Ramatov, Rozigul Umarova, Rashid Baratov, Mirshod Khasanov, Siroj Sulstonov, & Fayzulla Kushakov (2022). MODERN REQUIREMENTS FOR THE SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE AND ITS MANIFESTATION IN PRACTICE. Academic research in educational sciences, 3 (10), 582-586.
12. Ramatov, J.S., & Khasanov, M.N. (2022). SOCIAL ASPECTS OF PROFESSIONAL QUALITY IMPROVEMENT (ON THE EXAMPLE OF THE RAILWAY SECTOR). Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (6), 969-976.
13. Раматов, Ж.С., Валиев, Л.А., & Хасанов, М.Н. (2022). XIX АСРДА ҲИНДИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ – ФАЛСАФИЙ ЖАРАЁНЛАР. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (6), 1070-1078.
14. Жўрабоев, Н. Ю., Кушаков, Ф. А., Султанов, С. Ҳ., & Хасанов, М. Н. (2022). КОНФУЦИЙЛИК ХУСУСИЯТЛАРИДАН ХИТОЙ ФАЛСАФАСИНИНГ КЕНГАЙИШИ. World scientific research journal, 9(2), 37-42.
15. Ruzigul, U., Nasirjan, J., Dilmurodkhakim, A., Mirshod, H., & Urozboy, E. (2020). Rationale and history of human reflections in the muslim philosophy. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(5), 1453-1458.